

QO'QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 3-son)



FILOLOGIYA
PHILOLOGY

**ИНГЛИЗ ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА БОЛАЛАР НУТҚИДАГИ
ТОПИШМОҚЛИ ҲАЗИЛ ТУРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ
(ҚИРОЛЛИККА ОИД БОЛАЛАР ҲАЗИЛИ МИСОЛИДА)**

*Диёра АВЕЗМУРАТОВА,
Урганч давлат университети
Хорижий филология факултетлараро
чет тиллари ўқитувчиси E-mail:diyoraaa@gmail.com*

Аннотация Ушбу мақолада инглиз лингвомаданиятидаги топишмоқли ҳазил турларининг социолингвистик хусусиятлари, яъни қиролликка оид ҳазил турларининг ўзига хосликлари ҳақида фикр юритилади. Бунда ҳазил яратишда омоним, пароним сўзлардан фойдаланиш, болаларча дунёқараш асосида жавоб шакллантириш ҳазил яратишнинг инглиз социумига ҳос ҳазил унсурлари сифатида ижтимоийлик касб этишига алоҳида урғу берилади.

Калит сўзлар: нутқий жанр, топишмоқли ҳазил, қироллик, болалар, пароним, омоним кабилар.

**СПЕЦИФИКА ШУТОК-ЗАГАДОК В ДЕТСКОЙ РЕЧИ В
АНГЛОЯЗЫЧНОЙ КУЛЬТУРЕ.**

(НА ПРИМЕРЕ ДЕТСКОГО АНЕКДОТА О ЦАРСКОЙ ВЛАСТИ)

Аннотация В данной статье рассматриваются социолингвистические особенности типов юмора-загадки в английской лингвокультуре, то есть особенности королевских типов юмора. Особый акцент делается на использовании омонимов, паронимов, детских мировоззрений, социализации юмора как элементов юмора, характерных для английского общества.

Ключевые слова: речевой жанр, юмор-загадка, царство, дети, пароним, омоним и др.

**SPECIFICS OF RIDDLE JOKES IN CHILDREN'S SPEECH IN ENGLISH-
SPEAKING CULTURE.**

(USING THE EXAMPLE OF A CHILDREN'S JOKE ABOUT ROYAL POWER)

Annotation This article analyzes the sociolinguistic features of the types of riddle humor in Russian linguistic culture, that is, the features of the royal types of humor. Particular emphasis

is placed on the use of homonyms, paronyms, children's worldview, and the socialization of humor as elements of humor characteristic of English society.

Key words: speech genre, riddle humor, kingdom, children, paronym, homonym etc.

Тилшуносликда ҳазил нутқий жанри асосан рус тилшунослиги тадқиқотларида тадқиқ этилган⁴⁴³. Ушбу тадқиқотлар ҳазил нутқий жанри рус тили ва бошқа тилларга қиёси орқали тадқиқ қилинганлиги билан характерланади. Аммо шуни айтиш керакки, қиролликка оид болалар ҳазилининг ўзбек тилшунослари томонидан социолингвистик планда тадқиқ қилинган материаллар мавжуд эмас.

Ҳазил нутқий жанри нафақат тилшунослик, балки социолингвистика, лингвомаданиятшунослик каби экстралингвистиканинг ҳам тадқиқот объекти бўлиб, жамиятнинг лингвистик онгига сингиб кетган ҳодисадир. Жамият асоси коллективизм ёки индивидуализм ғояларига қурилар экан, бу ғоялар ўша тилда сўзлашувчиларнинг миллий-маданий қарашларида ўз аксини топади. Шу сабабли ҳам ҳазил нутқий жанри сўзловчи ва тингловчи жамиятининг ўзига хосликлари ва ўша жамиятга тегишли маданиятнинг мавжудлигидан хабар берувчи нутқий жанрлардан саналади.

Ҳазил нутқий жанри биринчи навбатда ҳар қандай жамиятда кундалик (маиший) мулоқот соҳасида табиий мулоқот жараёнида, нутқ шакли ёки мазмуни жиҳатидан қатъий чегаралар билан чекланмаган ҳолда шаклланади. Ҳазил нутқий жанри мулоқот жараёнини тартибга солувчи чекловларнинг йўқлиги, тилга ностандарт ёндошиш имконияти мавжудлиги билан ўзига хослик касб этади.

Ҳазил нутқий жанрида миллий характерни ўзида сақловчи образ ва рамзларни тушуниш кишидан миллий маданий билимларни талаб қилади. Ҳазил нутқий жанрини тушунишда сўзловчи ҳам тингловчи ҳам ўзи ва суҳбатдоши мансуб муайян маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, анъаналари, урф – одатлари, нутқий этикет меъёрлари, паралингвистик воситаларини яхши билиш керак бўлади. Хорижий тилдаги ҳазилларни тушуниш учун ҳазиллашаётган ва ҳазилни тинглаётган шахс айни ўша хорижий мамлакатда яшаган ва унинг реалиялари билан яхши таниш бўлиши керак, шундагина мазкур мамлакатдаги ҳазилларни тушуна олади ва ҳазиллар ҳақида лингвомаданий шарҳларни бера олади, муайян маданиятдаги нарса ёки ҳодисаларни тасвирлашда лингвоэтник тўсиқларни енга олади. Ҳазилнинг ўлчови қийинлиги сабабли ҳам бегона ҳазилни идрок этиш ва тушунишда мулоқот қилувчиларнинг шахсий хусусиятлари ва мулоқот шароитларининг ижтимоий-маданий хусусиятлари туфайли тушунмовчилик келиб чиқиши табиийдир. Ҳазил нутқий жанри тадқиқида ҳар бир

⁴⁴³Жильцова О.Ю. Шутка как малый речевой жанр. ГБОУ ВПО Саратовский ГМУ им. В.И. Разумовского Минздрава России, кафедра русской и классической филологии; Пропп В.Я. Проблемы комизма и смеха. М., 1976; Д.С.Лихачев, А.М.Панченко. "Смеховой мир" Древней Руси. Л., 1976; А.В. Карасик. Лингвокультурные характеристики английского юмора. дисс. кандидат филологических наук. Волгоград, 2001, 193 с; Пропп В.Я. Проблемы комизма и смеха. М., 1976; Ю. В. Шурина Шутка как речевой жанр. Дисс. Канд. Наук по фил.1997.

жамиятнинг индивидуал қарашлари билан ҳисоблашишга тўғри келади. Масалан, инглиз лингвомаданиятида ҳазил нутқий жанри кишиларнинг кайфиятини кўтариш, ростлаш, уларга завқ бахш этиш, муайян мавзу доирасида уларнинг билимларини янада кенгайтириш, ақли ва фикрини чархлаш, турмушдаги турли камчиликлар устидан енгил кулги уйғотиш вазифаларига эга нутқий жанр сифатида қабул қилинади. Ушбу социумда нафақат болалар, балки чақалоқлар ҳам кулгили нарсаларни ҳис қилиши мумкин, деб ҳисобланилади. Масалан, чақалоқлар кўзни турли хил шаклга солиш, 1 ёшли болалар эса масхара қилиш, ҳайвон каби ўзини тутиш, 2 ёшли болалар эса нарсаларни нотўғри белгилаш, бемаъни сўзларни айтиш, 3 ёшли болалар эса кулгили, ҳазил сўзларни тушуна бошлайдилар⁴⁴⁴. Инглиз комикларининг фикрича, болалар 3 ёшга етганда, ҳазил сўзларни тушунишга тайёр бўлишлари керак⁴⁴⁵.

Шу сабабли ҳам инглиз лингвомаданиятида ҳазилнинг турли шакллари ривожланган. Жумладан, болалар учун топишмоқли ҳазил турлари. Топишмоқли ҳазил турлари ўзига хос лингвистик хусусиятларга эга. Топишмоқли ҳазил турлари матни лингвистик жиҳатдан диалогик нутқ кўринишида бўлиб, бунда адресантнинг саволи сўроқ гаплар орқали, адресатнинг жавоби дарак гаплар орқали воқеъланади. Топишмоқли ҳазил турлари матнида адресатнинг саволи грамматик жиҳатдан тўлиқ гаплар орқали ифодаланса, адресатнинг жавоби тўлиқ ёки тўлиқсиз гаплар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Топишмоқли ҳазил турлари матнининг композицион тузилиши ўзига хос бўлиб, кириш қисм адресант нутқи билан бошланиб, бунда сўроқ сўзлар, яъни жумбоқнинг асосий қисми, яъни нимани топиш зарурлигига ишора қилинади, асосий қисмда эса жумбоқнинг умумий мазмуни тақдим қилинади. Топишмоқли ҳазил турларида адресатнинг жавоби якуний қисм бўлиб, ҳазил нутқий жанрининг перлокуциясини амалга оширади. Демак, топишмоқли ҳазилнинг жавоби бўлмаса, ушбу ҳазил нутқий жанри тури тўлиқ воқеъланмаган ҳисобланилади. Шуни айтиш керакки, инглиз лингвомаданиятида болалар ҳазилининг нафақат лингвистик, балки социолингвистик хусусиятлари ҳам мавжуд. Шуниси эътиборлики, инглиз лингвомаданиятида қироллик ва унга тегишли вакилларнинг шахсиятларига тегмай ҳазил қилиш ҳеч қандай жавобгарликни келтириб чиқармайди. Бундай ҳазил турларини қироллик вакиллари ҳам ҳеч қандай шахсий гина, адоватсиз қабул қиладилар. Шу туфайли ҳам ҳозирда ҳазил турларида қиролликка оид ҳазил шакллари кенг оммага тақдим қилиниб келинади.

Қиролликка оид болалар нутқидаги ҳазил шакллари ҳам ўзига хос матний композицион тузилишга эга бўлиб, бунда диалогик савол жавоб шакллари жуда кенг оммалашган. Масалан,

What is the first thing a king or queen does when they come to the throne?

⁴⁴⁴ <https://www.goodhousekeeping.com/life/parenting/g28581033/best-jokes-for-kids/>

⁴⁴⁵ <https://www.goodhousekeeping.com/life/parenting/g28581033/best-jokes-for-kids/>

*Answer: They sit down!*⁴⁴⁶

Ушбу мисолда эса қирол ва қироличаларнинг тахтга келишларида биринчи қиладиган ишлари нима эканлиги сўралган. Бунга жавобан уларнинг тахтга ўтиришлари болаларча жавоб шакли кулгу уйғотган. Бунда қироличанинг тахтга ўтириш, тахт мажбуриятларини бажариши ҳақида кичик ёшдаги болаларнинг билмаслиги кулгуга асос сифатида белгиланади. Қиролликка оид яна бир мисолни олайлик:

What kind of tea you drink with the Queen?

*Answer: Royal tea*⁴⁴⁷.

Ушбу мисолда эса *Royal tea* жавоби икки мазмунга эгалиги билан кулгу уйғотади. Биринчи мазмунида оддий қора чой сифатида тушунилса-да, иккинчи кўчма маъносида сленг сифатидаги мазмун, яъни алкоголь мазмуни кулгу уйғотади. Маълумки, инглиз лингвомаданиятида *Royal tea* вақти мавжуд бўлиб, бу кечки соат 4 ва 5 оралиғидаги вақтни назарда тутади. Инглиз лингвомаданиятида бу вақтда кўпинча чой билан бирга алкоголь ичиш анъанаси шаклланган⁴⁴⁸. Демак, ушбу ҳазил турида омонимия ҳодисасидан фойдаланилган.

Масалан,

*A: Hey bro, let's have royal tea? B: Royaltea? Is that tea prepared royally? A: Hell no! It's just booze instead of tea, at tea time*⁴⁴⁹.

Маълумки, қироличага ўхшаб ҳаёт кечириш барча аёлларга хос хавасдир. Қиролича ҳаёти оддий аёллар етишиши мумкин бўлмаган ижтимоий воқеълик бўлганлиги сабабли қироличага оид предметларга эга бўлиш кулгу уйғотиш мумкин. Масалан,

*Why did mom get a plate of English muffins on Mother's Day? Answer: Her family wanted her to feel like a queen!*⁴⁵⁰ Инглиз лингвомаданиятида *English muffins* олий навли кексдир, шу сабабли ҳам ушбу кекснинг тарелкаси олий насаб ва олий нав тушунчалари бир-бирига олийлик нуктаи назаридан мантқий боғланмоқда.

Қуйидаги ҳазил турида эса Англиянинг мўътадил мамлакат эканлиги қироличанинг характерига боғланиб, the wettest сўзининг кўчма маъноси қироличанинг консерватив характердаги , яъни қаттиққўл бўлмаган⁴⁵¹ сиёсатчи эканлигига ишора қилинмоқда. Масалан: *Why is England the wettest country? Answer: The queen has reigned for years!*⁴⁵² *What does the Queen eat with chips? Buckingham Plaice!*

Palace, яъни *сарой* сўзининг *Plaice*, яъни *балиқ тури* сўзига алмаштириш орқали кулгу уйғотмоқда. Бунда паронимия кулгу уйғотувчи асосий унсурдир.

⁴⁴⁶King, Queen Funny queen jokes for kids. <https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>

⁴⁴⁷Drink, Queen, Royal. Funny queen jokes for kids. <https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>

⁴⁴⁸ <https://www.urbandictionary.com/define.php?term=Royaltea>

⁴⁴⁹ <https://www.urbandictionary.com/define.php?term=Royaltea>

⁴⁵⁰ Cookie, Mother's Day, Queen. Funny queen jokes for kids. <https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>

⁴⁵¹ <https://www.collinsdictionary.com/dictionary/english/wettest>

⁴⁵² Country, Queen. Funny queen jokes for kids. <https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>

Паронимия орқали кулгу уйғотиш болалар ҳазилида жуда кўп учрайдиган ҳодиса. Масалан,

What's the difference between Prince Charles and a naked mole rat? One is the heir apparent and the other has no hair apparent!

Ушбу мисолда *heir va hair* сўзлари кулгу уйғотувчи унсурдир.

Who is the heaviest member of the British royal family? The Prince of Whales!

Ушбу мисолда эса *Whales! Wales* сўзлари ҳазил уйғотувчи пароним сўздир.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, қиролликка оид болалар нутқидаги ҳазил турларининг аксарияти матний композицион тузилиши савол-жавоб шаклида тузилади, бунда сўроқ ва дарак гап фаол иштирок этади. Ушбу ҳазилларнинг ўз адресанти ва адресати мавжуд бўлиб, адресант нутқида савол, адресат нутқида жавоб реаллашади. Диалогик характердаги болалар ҳазилининг шаклланишида сўзларнинг кўчма маъноси ҳазилнинг яратилишида асосий лингвистик унсурдир.

Шуни айтиш керакки, ўзбек лингвомаданиятида қиролликка оид ҳазил турлари мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам қиролликка оид болалар ҳазил турларини инглиз социуми учун мансуб ҳазил шакли сифатида эътироф этиш мумкин. Бу турдаги ҳазилларни тушунишда ўзбек мухлислари қироллик ва ундаги шахсларнинг характер-хусусиятлари ҳақида ўзига хос билимга эга бўлишлари шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Fart, Queen, Royal. Funny queen jokes for kids.
<https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>
2. King, Queen Funny queen jokes for kids.
<https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>
3. Drink, Queen, Royal. Funny queen jokes for kids.
<https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>
4. Funny queen jokes for kids. <https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>
5. Cookie, Mother's Day, Queen. Funny queen jokes for kids.
<https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>
6. Country, Queen. Funny queen jokes for kids.
<https://www.jokesforkids.lol/occupation/royal/queen>